

## ЁРҚИН ЛОЙИХА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ҳам Ўзбекистондаги барча Олий таълим муассасаларида илк бор талабалар томонидан ташкил этилаётган Oweek2019 лойиҳасига старт берилди. "#ORIENTATIONWEEKIIAME" лойиҳаси Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факултети 1-босқич талабалари учун факултет раҳбарияти, институт ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти, факултет ёшлар кенгаши томонидан ташкил этилди. Дастрраб, факултет раҳбарияти билан келишилган ҳолда, 28-август санасидан бошлаб жадал ишлар олиб борилиб, даствур яратилди ҳамда факултетда таълим оловчи фаол, иқтидорли, ташаббускор ёшлардан иборат юқори босқич талабалар гуруҳи шакллантирилди. Ҳар бир институтга ташриф буюраётган 1-босқич талаба учун Юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббус ҳақида фрайларлар, 1-босқичлар учун керакли маълумотлар тўпланган дисклар, маҳсус даствур, институт академик ҳаётига мослашиш учун лозим бўлган барча керакли нарсалар жам бўлган йиғма жиллар тайёрланди. Тасаввур қилинг, гуруҳ раҳбари билан биргалиқда институт ҳақида 1-босқич талабаларга юқори босқич талабалари таништиришади, ўзларининг тавсияларини беришади. Хорижий олий таълим муассасаларида айни шу лойиҳада иштирок этган 1-босқич талабалари олий таълим муассасаси академик ҳаётига мослашиши ҳамда ўқишдаги рейтинги, ўзлаштириши бошқа талабаларга қараганда 40 % юқори бўлиши аниқланган. Энг муҳими, факултет раҳбарлари талабалар ичидан улар ёнида, юқори босқич талабалари 1-босқич талабаларини етаклаб, уларни аста-секин институт академик ҳаёти билан таништиришмоқда. 109-гуруҳ талабалари эса Бинода жойлашган кафедралар, бўлимларни институт ёшлар етакчиси ҳамроҳлигида айланиб, танишиб чиқишиди. #Orientationweekiiame лойиҳаси 1-куни якунланди. Лойиҳамиз давом этади бизни кузатиб боринг. Тайёргарликда яқиндан ёрдам берган барчага миннатдорчилик билдирамиз. Факултет раҳбарияти фаол, ташаббускор талабаларни доим қўллаб-қувватлашга тайёр. Лойиҳадан лавҳаларни тақдим этамиз. Биринчи кун Талабаларни кутиб олиш, Танишув, Факултет раҳбарлари томонидан Мустақиллик дарси, Гуруҳ сардорлари тайинлови, қизиқарли маълумотлар ва бошқалар. Лойиҳанинг давоми ҳақида ҳам сизларни таништириб борамиз.



Сув хўжалигини ташкил этиш бошқариш факултети деканати маълумоти  
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов